

“МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА” – Президент И.А.Каримовнинг истиқлол даврида маънавий камолотга эришиш йўллари, халқнинг бу борадаги орзу-умидлари ва ниятлари, ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар, жум-н, маъ-й, таълим-тарбиянинг куч-қудрати ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан иборат тўплам. (Т., «Ўзбекистон», 1998 й.). Асарда мустақил жамиятгина юксак маъ-ятга эришиши мумкинлиги, халқнинг маън-й, сиёсий, иқт-й билим савияси ушбу йўналишларнинг барчаси билан чамбарчас боғлиқлиги қайд этилган. Ш-дек, асарда маъ-ят ва тарихий кадриятларни тиклаш масалаларига доимий диққат-эътибор натижасида мам-тда ўз тарихи, маъ-яти, руҳий-мад-й кадриятларни англашга янгича ёндашиш жараёни бошлангани яққол кўрсатиб берилган. Ана шу жараёнларнинг қай даражада кечаётгани ҳам китобнинг асосий мазмунини белгилайди. Унда таъкидланганидек, маъ-ят мустақилликнинг энг муҳим шартларидан биридир. Маъ-ят бўлмаса мустақиллик ҳам, тараққиёт ҳам, бахт-саодат ҳам, иймон-эътиқод ҳам, элда диёнат адолат ҳам, хуллас, одамларда Ватан ва эрк туйғуси ҳам бўлмайди. Дарахт ўз илдизлари билан заминдан сув, озуқа олиб вояга етганидек, инсон ҳам авлод-аждодларидан қолган бебаҳо меросдан руҳий озик, куч-қувват олади, уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аждодларининг билимларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди. Маъ-ят жамиятнинг юксалиши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маъ-ят бойиб борса, жамият раванқ топади ва аксинча, маъ-ят қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутаяди. Мустақиллик йилларида юртимизда маъ-ят масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг юксалиши ва бойиб боришига доимий эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда.